

Туркиядаги 600 йиллик очик осмондаги масжид ҳар йили минглаб сайёҳларни қора денгизга чорлайди



12:00 / 22.07.2019 2109

Ушбу масжид Трабзон ва Гумушане вилоятлари ўртасида, Кадирга платосининг денгиз сатҳидан 800 метр баландликда жойлашган. Бу ҳақда yenisafak.com сайти хабар беради.

Ҳар йили юзлаб ибодат қилувчилар ва табиат мухлислари Туркиянинг ям-яшил Қора денгиз ҳудудида жойлашган 557 йиллик масжидига ташриф буюришади. Тўртбурчак шаклидаги масжид 1,5 метрли тош девор билан ўралган.

Ўзкан Пекиннинг айтишича, тез-тез меҳмон бўлган маҳаллий аҳоли бу анъанани авлодлар учун ҳам сақлаб келаётганини таъкидлайди. — Бу масжид 70-йилларда мен ёш бола бўлган пайтларимда ҳам одамларга тўла эди, худди бугунги кундаги каби. Биз ибодат қилгани келган чоғимизда, ҳеч қачон ёмғир ёлмаган. Бу ҳам Аллоҳ таолонинг бир инояти. Шунингдек, масжидга дунёнинг турли бурчакларидан минглаб сайёҳлар ташриф буюришади.







Islom.uz портали таҳририяти